

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЖАБАРОВА ЗУЛФИЯ МУРАТХОДЖАЕВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДА ЦЕЛИАКИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БОЛАЛАР ИНГИЧКА ИЧАГИДА ИММУНОГЕНЕТИК ВА
СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК
АҲАМИЯТИ. МЕДИКАМЕНТОЗ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдужабарова Зулфия Муратходжаевна

Ўзбек популяциясида целиакция билан оғриган болалар ингичка ичагида иммуногенетик ва структур-функционал ўзгаришларнинг клиник аҳамияти. Медикаментоз коррекциялаш 3

Абдужабарова Зулфия Муратходжаевна

Клиническое значение иммуногенетических и структурно-функциональных изменений тонкой кишки у детей с целиакией узбекской популяции. Медикаментозная коррекция 31

Abdujabarova Zulfiya Muratkhodjayevna

Clinical relevance of immunogenetic and structurally functional changes of the small intestine in children of uzbek population with the coeliacia. Medicamentous correction 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....62

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЖАБАРОВА ЗУЛФИЯ МУРАТХОДЖАЕВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИДА ЦЕЛИАКИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БОЛАЛАР ИНГИЧКА ИЧАГИДА ИММУНОГЕНЕТИК ВА
СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК
АҲАМИЯТИ. МЕДИКАМЕНТОЗ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.58 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» таълим Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Камилова Алтиной Турсунбаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Иноятова Флора Ильясовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамов Мардонкул Рустамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташкilot:**

Қозоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги
педиатрия ва болалар хирургияси маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган), (Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй.Тел./факс: +99871-262-33-14).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2017 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Целиакия ирсий касаллик бўлиб эрта ёшли болалар орасида кам аниқланган. Бироқ, бугунги кунда целиакиянинг турли ёшларда ҳам манифестацияси намоён бўлмоқда (Европа популяцияларида 1-3%). Целиакия катталар орасида 59%, болалар орасида 40% гача клиник полиморфизми ва қийин ташхисланадиган шакллари кўплиги билан характерланади. Узоқ вақт давомида целиакия “Европа” касаллиги деб номланган, лекин сўнгги тадқиқотларда бу касалликни осийё ва африка мамлакатларида ҳам юқори частотада учраши исботланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Республика соғлиқни сақлаш тизиминини ислоҳ қилиш жараёнида, айниқса, соғлом боланинг дунёга келиши, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болани вояга етказишда, кенг кўламли ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Бу борада болаларда учрайдиган ирсий касалликларни барвақт ташхислашда, энзимопатияларни олдини олишда, жумладан, целиакиянинг ножўя оқибатларини камайтиришда муайян ижо-бий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида целиакияни эрта аниқлаш ва клиник фенотиплари бўйича даволаш тадбирлари йўлга қўйилди.

Целиакия ингичка ичакнинг шиллик қаватида глиадин оксиленинг парчаланишини ва сўрилишини бузилиши билан кечадиган, генетик детерминирланган аутосом-рецессив типда наслдан наслга ўтадиган касаллик бўлиб, HLA-DQ2 ва HLA-DQ8 гетеродимерлари мавжуд бўлганда кузатилади. Касаллик ингичка ичакнинг шиллик қавати атрофияси натижасида мальабсорбция синдроми фонида метаболик бузилишлар билан вужудга келади. Бундай вазиятларда мальабсорбция синдроми фонида ривожланган метаболик бузилишларни коррекциялашга қаратилган даволаш йўли билан унинг асоратини камайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Целиакиянинг ўзбек популяциясида кўпгина жихатлари етарлича ўрганилмаганлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди. Касалликка мойиллиги бўлган шахсларда генетик омиллар ҳамда уларнинг клиник кечишига таъсири, целиакиянинг турли шаклларида ингичка ичак шиллик қавати морфологик ўзгаришлари, иммун тизим фаолияти, пархезлашда озиқ-овқат маҳсулотларида яширин глютен муаммоси ва даволаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2013 йил 12 мартдаги ПҚ-1935-сон қарори билан тасдиқланган «2013-2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури» ҳақида, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ–2133-сон «Соғлом бола йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари, 2015 йил 10 декабрдаги Ф–4577-сон «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги

фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Болаларда целиакиянинг эпидемиологик, иммуногенетик, мор-фологик ва клиник белгиларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: American Academy of Emergency Medicine, University of Chicago Medical Center (АҚШ), European Georges-Pompidou (Франция), Klinikum Bremen Nord (Германия), University of Rome La Sapienza, Santa Maria Hospital (Италия), University of London (Бирлашган қироллик), Hacettepe University Faculty of Medicine, Ankara (Туркия), Санкт-Петербургская Государственная академия (Россия), Российский Государственный медицинский университети (Россия) ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Целиакияни ташхислаш ва даволашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан жаҳонда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: касалликка кеч ташхис қўйиш турли асоратларга, хаттоки ногиронлик ва ўлим ҳолатларига олиб келиши исботланган (University of Chicago Medical Center, АҚШ); эрта қўйилган ташхис ва ўз вақтида бошланган даво касалликнинг ривожланиши, зўрайиши ва асоратли шаклларининг ривожланиш хавфини камайтириши, аниқланган (University of Rome La Sapienza, Santa Maria Hospital, Италия); целиакияда касалликни атипик ва латент шаклларининг устунлиги касалликнинг ноҳўя оқибатларига олиб келиши исботланган (Klinikum Bremen Nord, Германия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида целиакияни прогнозлаш, ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича қатор жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда: прогнозлашнинг оптимал усуллари излаш ва целиакиянинг турли шаклларида даво чораларини такомиллаштириш; касалликни кечиши ва шаклига кўра ингичка ичак структур-функционал ҳолатини аниқлаш; янги иммуногенетик маркерларини аниқлаш; касалликнинг рефрактер кечишини прогнозлаш; беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Целиакия тарқалишининг кўпаяётганлиги, касалликни ташхислаш ва даволаш бўйича йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, замонавий талабларга жавоб берувчи ташхислашга янгича ёндошув усуллари ишлаб чиқиш заруратини кўрсатди. Болаларда целиакияни ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар 2012 йилда педиатр гастроэнтеролог, гепатолог ва нутрициологларнинг Европа жамияти (ESPGHAN) томонидан чоп этилган. Катталар учун сўнгги амалий тавсиялар 2013 йилда Америкалик

гастроэнтерологлар (ACG Clinical Guidelines: Diagnosis and Management of Celiac Disease) Британия гастроэнтерологлари жамияти (Diagnosis and management of adult coeliac disease: guide-lines from the British Society of Gastroenterology), ҳамда Бутун жаҳон гастроэнтерологлар ташкилоти (World Gastroenterology Organisation global guidelines on celiac disease) томонидан қабул қилинган.

Хозирги кунда целиакиянинг ривожланиши ва беморларда II синф HLA тизимида оид баъзи антигенларнинг мавжудлиги ўртасида боғлиқлик аниқланган. DR3, DR7, DQ2 гаплотиплари кўпроқ учрайди. Бунда, сўнги гаплотипнинг аҳамияти кўпроқ, зеро у Шимолий Европадаги 90 % дан ортиқ беморларда аниқланган. Касалликнинг маърои Россиялик болаларда ҳам тахминан шундай (95%), этник қозоқларнинг эса 62 %да учраши аниқланган (Кондратьева Е. И., 2007; Машкеев А. К., 2007; Вохмянина Н. В., 2009). DQ2 гетеродимери ҳинд болаларининг барчасида DR3 гаплотипи уларнинг 34,3 % да аниқланган (Kaur G. И., 2002). Бразилиялик тадқиқотчилар касалликнинг ривожланиши DRB1*03, *07 ва DQB1*02 аллелларга юқори даражада боғлиқ эканлигини аниқладилар (Silva E. M. et al., 2002).

Замонавий адабиётларда целиакиянинг шакллари, кечиши, хавф омиллари, генетик модификаторларини идентификациялаш ҳақидаги ягона фикрлар келтирилмаган, целиакияда чуқур метаболик ўзгаришларга қарши самарали терапия ишлаб чиқишга эришилмаган ва касалликнинг шаклига кўра ингичка ичак шиллиқ қаватининг гистологик тузилишига етарли эътибор қаратилмаган.

Адабиётлар таҳлилига асосан айтиш мумкинки, минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда касалликнинг HLA- ва HLA- бўлмаган генетик модификаторларини идентификациялаш, касалликнинг рефрактер кечишида HLA- генетик маркерларининг роли, ирсий мойилликка эга бўлган ўзбек популяциясига мансуб кишиларда патологиянинг ривожланишида иштирок этувчи омилларни аниқлаш, касалликнинг турли фенотипларида ИИШҚ морфологик бузилишлари ва иммун тизим дисбаланси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур мажмуавий ўрганиш ва сурункали касалликни даволашда янгича ёндашув талаб этилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ 000374 «Ўзбек популяциясига мансуб болаларда целиакия фенотипларининг иммуногенетик ва морфологик ассоциациялари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда целиакиянинг клиник кечиши, ингичка ичак шиллиқ қавати иммуногенетик ва структур-функционал ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш ва дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

целиакия клиник фенотиплари учраши ва хатар омилларни аниқлаш;

касаллик клиник фенотипларига қараб ингичка ичак шиллик қавати структур-функционал ўзгаришлари даражасини аниқлаш;

DQ2 ва DQ8 гетеродимерлар учраш частотаси ҳамда DQA1 ва DQB1 аллеллар экспрессияси этник хусусиятларини аниқлаш;

ингичка ичак шиллик қавати иммунологик ва структур-функционал ўзгаришлар орасидаги параллелликни аниқлаш;

ингичка ичакдаги структур-функционал ўзгаришларга қараб целиакияни медикаментоз коррегирлаш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

касаллик фенотипи ва кечишига кўра болаларни даволаш дифференциал схемаларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида целиакия билан оғриган 200 нафар бемор ва 571 нафар соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби иммун тизим, биохимия ва иммуногенетик кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳамда морфологик тадқиқотлар учун ичак шиллик қавати биоптатлари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, иммунологик, генетик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясига мансуб болаларда целиакиянинг клиник фенотиплари ва унинг шаклланиши хавф омиллари аниқланган;

целиакия шаклига қараб ИИШҚ морфологик бузилишидаги фарқлар аниқланган. ИИШҚ гиперрегенератор, субтотал, тотал атрофияси, дистрофик, деструктив ва атрофик ўзгаришлар (Marsh бўйича II ва III босқич) касалликнинг типик шаклида, ИИШҚ хусусий бириктирувчи тўқимасининг яллиғланишининг кучайиши, пролифератив инфилтрат, ворсинкалар шиллиқости ва шиллик қаватларининг қалинлашуви (Marsh бўйича III ва IV босқич) атипик шаклида аниқланган;

илк бор ўзбек популяцияси целиакияли болаларида HLA-антигенлари II синфи учраши тақсимланишида ўзига хос жиҳатлар, яъни DRB1, DQA1, DQB1 аллеллари ва уларнинг DQ2, DQ8 гетеродимерлари роли аниқланган. Целиакиянинг типик шакли HLAнинг DQA1 *0501, DQB1 *0201, DRB1 *07 ва DRB1 *13 генотиплари, атипик шакли DRB1*10, DRB1 *12 ва DQB1 *0503 ва рефрактерли кечувчи целиакия эса DRB1*16 ва DQA1*0501 генотиплари билан ассоциацияланиши исботланган;

иммун тизимидаги мувозанат бузилиши гуморал бўғин фаоллигининг кескин ортиши, апоптоз маркерлари миқдорининг ортиши, лимфоцитлар, ФНО-α ва ИЛ-4 фаоллашуви натижаси эканлиги аниқланган (касаллик рефрактерли кечганда ўзгаришлар кескин намоён бўлган);

целиакиянинг зўрайишида иммун тизими ўзгаришларининг роли аниқланган («Болаларда резистент целиакияни ташхислаш» дастурига 2007 йил 21 февралдаги DGU2007 0021 рақамли патент);

целиакиянинг типик шакли ҳамда рефрактерли кечишида секретор иммуноглобулин А миқдорининг пасайиши ингичка ичак шиллик қавати суб-

атрофияси ва атрофиясини кучайтириши аниқланган;

целиакиянинг ташхислаш ва прогнозлаш мезонлари касаллик оғирлигини баҳолаш, кечишини прогнозлаш ва даволаш турини танлаш имкониятини яратган («Болаларда целиакияни ташхислаш, даволашни танлаш ва башоратлаш учун дастур» 2008 йил 5 майдаги DGU2008 0069 рақамли патент,);

ИИШҚ атрофияси регенерацияси ва ичакка сўрилиш жараёнларини кучайтириш имкониятини берадиган дифференциал даволаш схемалари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

целиакия шаклланиши хавф омиллари: яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, паст бўйли ва сигир сути маҳсулотларини ҳазм қила олмайдиган қариндошлар, ота томонидан меъда ичак тизими сурункали хасталиги, сочлар ва кўзларнинг очиқ рангли бўлиши аниқланган;

ишлаб чиқилган целиакияни ташхислаш ва прогнозлаш мезонлари касалликни эрта ташхислаш, ножўя оқибатларни бартараф этиш, болаларда ногиронликни камайтириш, кечиши, оғирлигини баҳолаш ва даволаш турини танлаш имконини берган;

базисли терапия замирида рухли антиоксикапс препарати целиакиянинг типик шаклини даволашда юқори даражали хавфсиз ва самарадорлиги асосланган;

базисли терапия замирида экдистен ва рухли антиоксикапснинг биргаликда қўлланилиши касаллик атипик шакли ва рефрактер кечишида ИИШҚ структур-функционал ўзгаришлари даражасини камайтириш ва ножўя оқибатларини бартараф этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек популяциясидаги целиакияли болалар ингичка ичагидаги иммуногенетик ва структур-функционал ўзгаришларнинг механизми ва медикаментоз коррекциялаш ҳақидаги назарий маълумотларни кенгайтирган. Илк бор ўзбек популяциясидаги болалар целиакияга мойиллиги ва резистентлигини белгиловчи ўзига хос аллеллари ва гетеродимерлари аниқланган. Целиакия ривожланишининг патогенетик ва иммунологик механизмларини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илк бор ўзбек популяциясига мансуб болаларда целиакиянинг клиник фенотиплари ва унинг шаклланиши хавф омиллари аниқланганидир. Даволашнинг ишлаб чиқилган модификацияланган схемалари мальабсорбция белгилари регрес-

сини тезлаштириш ва ИИШҚ функцияси ҳамда моддалар алмашинувини тўла тиклаш; касаллик рефрактерли кечганда – қисман клиник ва лаборатор ремиссияга эришиш, ингичка ичак структурасини сезиларли равишда яхшилаш; типик ва атипик шаклларида – касаллик ремиссиясини узайтиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек популяциясида целиакия билан оғриган болалар ингичка ичагида иммуногенетик ва структур-функционал ўзгаришларнинг клиник аҳамияти ва медикаментоз коррекциялаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган “Ўзбек популяциясидаги болаларда целиакиянинг клиник фенотиплари” мавзусидаги ахборот хати тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 8ш/256 маълумотномаси) ва “Ўзбек популяциясидаги болаларда целиакиянинг иммуногенетик характеристикаси” мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 28 октябрдаги 8ш/156 маълумотномаси). Мазкур ахборот хати ва услубий қўллама Целиакияни эрта ташхислаш ва прогнозлаш, клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти аниқлашнинг услубий асосини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Целиакияга олиб келувчи хавф омиллари, эрта ташхислашнинг замонавий жиҳатлари, клиник фенотиплари ва иммуногенетик хусусиятларини аниқлаш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан РИПИАТМ клиникаси, Сирдарё ва Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказлари ҳамда Олмалиқ шаҳар клиник касалхонаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 5 январдаги №8НЗ-/31 маълумотномаси). Татбиқ этилган натижалар анъанавий усулга нисбатан касалликни эрта ташхислаш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, мазкур касаллик билан бемор болаларнинг стационарда бўлиш даврини 3,6 кунга қисқартириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 58 та илмий ишлар нашр қилиниб, улардан 16 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, шу жумладан 3 та мақола халқаро илмий журналларда чоп этилган, 2 та дастурий восита учун патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса, амалий таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий ахамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда целиакиянинг клиник–генеологик ва иммуногенетик тавсифи**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб, целиакия муаммосининг тиббий-ижтимоий ахамияти акс эттирилган ва касалликнинг клиник фенотиплари, генетик аспекти кўриб чиқилган, ингичка ичакдаги шиллиқ қаватидаги иммунологик ўзгаришлар, морфологик ўзига хосликлар, ингичка ичакнинг структур-функционал ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда медикаментоз коррекциялаш ҳақидаги адабиётлар таҳлили тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Целиакияли беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, куйилган муаммоларни ҳал қилишни таъминловчи усул ва методологик ёндашувлар келтирилган. Илмий ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 1 дан 14 ёшгача бўлган, целиакия билан оғриган 200 нафар бола: 113 нафар (56,5%) ўғил, 87 нафар (43,5%) қиз болаларнинг умумий таърифи келтирилган. 158 нафар (79%) болада касаллик олдинроқ, 21 фоизида – илк бор ташхисланган. Улардан 162 нафарида (81 %) типик шакли, 38 нафарида (19 фоиз) атипик шакли аниқланган.

Назорат гуруҳини соғлом болалар ташкил этди: 131 нафар бола – генеологик анамнез бўйича хавф-хатар омилини аниқлаш; 43 нафар бола – sIgA меъёрини аниқлаш; 372 нафар бола – фенотипни аниқлаш; 109 нафар бола - II синфга мансуб HLA генлар вариантлари тақсимланишининг иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш учун танлаб олинган. Ингичка ичакнинг гистоструктураси оғир бош-мия жароҳатидан вафот этган 16 нафар боланинг биоптатларида ўрганилган (Исраилов Р. И., 2006).

Болалар терапия турига қараб гуруҳларга тақсимланди: 1-гуруҳ – базавий терапия олган 47 нафар бола (даволаш курси - 10 кун); 2-гуруҳ – қўшимча равишда 0,01 г экдистен олган 30 нафар бола (1 мг/кг/сут. дан, 1 ой); 3-гуруҳ – базавий терапияга қўшимча равишда рухли антиоксикапс олган 37 нафар бола (20 мг/сут. 1 ой); 4-гуруҳ – қўшимча равишда эндистен ва рухли антиоксикапс олган 28 нафар бола (1 ой). Даволаш самарадорлиги динамикада – 3, 6 ва 12 ойдан кейин баҳоланди.

Тадқиқот услублари.

1. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари болаларнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича ЖССТ (2006) томонидан тавсия қилинган стандарт

бўйича баҳоланган.

2. ABO ва Rhesus тизими қон гуруҳлари.

3. Хавф-хатар омилини аниқлаш.

4. Биокимёвий тадқиқотлар: овқат ҳазм қилиш ва дисахаридларнинг сўрилиш ҳолати юкламали тестлар, яъни лактоза билан – лактоза толерант тести, сахароза билан – сахароза толерант тести, глюкоза билан – глюкоза толерант тести ёрдамида ўрганилган.

5. Фенотипик характеристика – антропометрик аломатлар. Сочлар ва кўз ранги аниқланган. Морфологик аломатлар орасида кулоқ чиғаноғи пастки юмшоқ қисмининг (мочкасининг) типи, бошдаги ўрам типи; ривожланишдаги дизэмбриогенез “стигмалари” деб аталувчи “кичик” нуқсонлар; кулоқдаги олтингугурт типи ўрганилган.

6. Иммуногенетик характеристика – HLA-антигенни типлаштиришнинг ген маркерлари (Санкт-Петербург Тиббиёт-генетика марказида 01.02.2007 даги №02-А/2007 рақамли шартнома асосида ўтказилган).

7. Иммунологик тадқиқотлар – Т-лимфоцитлар миқдори ($CD8^+$), рецепторни ИЛ-2 га элтувчи лимфоцитларнинг фаоллаштирувчи маркери ($CD25^+$), апоптоз омили ($CD95^+$); интерлейкин-4 (ИЛ-4), ўсма некрози омили (ЎНО-б), сўлакдаги А секретор иммуноглобулин (sIgA), А зардоб иммуноглобулини (IgA) кабиларни аниқлаш (ЎзРФА Иммунология Институтида ўтказилган).

8. Морфологик тадқиқотлар - ўн икки бармоқли ичак (ЎБИ) пиёзчасидан пастки бўлими шиллиқ қаватининг (ШҚ) биопсияси. Биоптатларни гистологик текшириш Тошкент тиббиёт академиясининг патологик анатомия кафедрасида ўтказилди.

Натижаларга EXCEL пакетида ишланган, ўз ичига статистик функциялар тўпламидан ўртача арифметик қийматни (M), ўртача арифметик қиймат хатолигини (m), Стьюдент мезони (t), хатолар эхтимоллигини (p), Пирсон корреляция коэффицентини (r) олган ҳолда статистик ишлов берилган. Генетик тадқиқотларда χ^2 мезони, P_{value} , RR – нисбий хатар, EF – этиологик фракция кўрсаткичи ва PF – превентив фракция кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқарилди.

Диссертациянинг **“Целиакияли беморларнинг клиник тавсифи”** деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник кўриниши, кечиши, хавф омиллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Касаллик шаклига кўра 2 та гуруҳга ажратилган. 1-гуруҳ – целиакиянинг типик шаклига чалинган 162 (81%) нафар бола; асосий симптомлар: кўп миқдордаги, бад бўй, оч тусли ёки турли хил рангли, ғовак, кўпикли, ёмон ювиладиган ич кетиши – суткасига 3 ва ундан ортиқ (89,2%), қорин айланасининг ортиши (50%), қориндаги оғриқлар (33,3%), иштаҳанинг пасайиши (39,5%), жисмоний ривожланишдан ортда қолиш (92,5%), эмоционал ҳолатнинг бузилиши – жиззакилик, нотинч уйқу (55,5%).

2-гуруҳ – целиакиянинг атипик шаклига чалинган 38 (19%) нафар бола. Оғир иккиламчи метаболик бузилишлар касалликнинг асосий симптомларини ниқоблаб, биринчи қаторга чиқиб олади. Бу аксарият ҳолларда пақаналик

ва анемия (100%), оёқлардаги оғриқлар (47,3%), суяқларнинг деформацияланиши (23,6%), оғир рахитсимон синдромнинг ривожланиши билан фосфор-кальций алмашинувининг бузилишлари (26,3%) билан ифодаланган.

Ташхис аввал аниқланган болаларнинг 34 (21,5%) нафарида касалликнинг рефрактерли кечиши: жисмоний ривожланишдан ортда қолиш, дисметаболик бузилишлар, аглиадинли парҳезга амал қилиш фониди рефрактерли анемия кузатилади. Касалликнинг клиник кўринишлари аксарият ҳолларда унинг шаклига мос келган.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши - целиакиянинг намоён бўлиш кўрсаткичи ёшга мувофиқ баҳоланган: 1-гуруҳ – 3 ёшгача бўлган 27 нафар бола: барча болаларда касалликнинг типик шакли аниқланган. 22,7% болаларда тана вазни кўрсаткичлари эгри чизикдан (-3СО) паст, 45,4% болаларда эса ўсиш кўрсаткичлари (-2СО) – (-3СО) атрофида бўлган.

2-гуруҳ – 4-6 ёшдаги 77 нафар бола. Типик шакли целиакияда 35,7 фоиз ҳолатда (-2СО)–(-3СО) зонада тана вазни ва ўсиш кўрсаткичлари аниқланган; целиакиянинг атипик шакли бўлган 50 ва 58,4% болада тана вазни ва бўй узунлигида энг кўп ифодаланган танқислик (-3СО) аниқланди. Оғир даражадаги оксил-энергия етишмовчилиги касаллик рефрактерли кечган барча болаларда аниқланган.

3-гуруҳ – 7-14 ёшдаги 96 нафар бола. Типик шакли ҳар иккинчи ва атипик шакли ҳар учинчи болада дефицит аниқланди. Бизнинг натижаларимиз М. Н. Шарипованинг Алма-Атада ўтказилган тадқиқотларининг натижаларига (2010) мос келди. Аммо Е. И. Кондратьева ва ҳаммуаллифлар (СПб, 2009) жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши кўпроқ целиакиянинг типик шаклига хошлигини таъкидлашади.

Генеалогик анамнез яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган (RR – 8,42) ва ота томонидан меъда-ичак трактининг сурункали патологияси бўлган ўзбек болаларида целиакиянинг типик (RR – 7,58) ва атипик (RR – 7,83) шакллариининг ривожланиш хавфи кўпроқ учрашини кўрсатди. Касалликнинг атипик шаклига чалинган болаларнинг кўпинча паст бўйли ва сут маҳсулотларини ҳазм қила олмайдиган қариндошлари бўлади (20%). Сўнгги белги касалликнинг рефрактерли кечишида кўпроқ қайд қилинган (RR–12,9 ва 19,6; P<0,001). Биринчи ва иккинчи даражали қон-қариндошликка эга бўлган қариндошларда целиакияга ирсий мойиллик беморларнинг 24 нафарида (12%) аниқланган. М. О. Ревна (2005) ҳам худди шундай маълумотларни келтиради, аммо Е. И. Кондратьева ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотлари целиакияга ирсий мойилликни аниқлашнинг янада юқорироқ учрашини (37%) кўрсатган, италияликлар орасида бу кўрсаткич 44% га етади [Tursi A., 2003].

Ўзбек популяциясидаги целиакияли болаларнинг фенотипик тавсифини ўрганиш натижасида аниқландики, оч тусли сочлар ва оч рангли кўзлар касалликнинг типик шаклига қараганда кўпроқ ишончли тарзда касалликнинг атипик шаклига чалинган болаларда учрайди (P<0,001), яъни бу белгиларга эга болаларда атипик целиакиянинг ривожланиш хавфи ортади (мос равишда

RR - 6,64 ва 2,94). Целиакия ривожланиши хавфи омилини ўрганиб, аниқладикки, қулоқ солинчаги ёпишган болаларда типик целиакиянинг ривожланиш хавфи, қулоқ солинчагининг ўтувчи типига эга бўлган болаларда эса – атипик целиакиянинг ривожланиш хавфи кўпроқ бўлади (RR - 5,65 ва 5,83). Қулоқдаги суюқ олтингугурт кўпинча касалликнинг типик шаклида ва рефрактерли кечишида учрайди ($P < 0,001$). Ўрамнинг ўсиш йўналишини ўрганиш шуни кўрсатадики, бошида соат мили ҳаракатига тескари йўналишда буралган марказий ўрамга эга бўлган болаларда целиакия типик шаклининг ривожланиш хавфи юқори (RR- 7,46). Соат мили ҳаракати бўйлаб буралган ўрамга эга бўлган болалар эса атипик целиакиянинг ривожланишига кўпроқ мойил (RR -19,6).

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясидаги болаларда целиакиянинг морфологик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобда целиакия билан оғриган 6-14 ёшдаги 56 нафар беморда ЎБИШҚбиоптатларини морфологик ва морфометрик тадқиқи натижалари келтирилган. Касалликнинг типик кечиши 40 нафар (71,4%) болада, атипик кечиши эса - 16 нафар (28,6%) болада кузатилган. Аглютенли парҳезга риоя қилишга қараб болалар 3 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ – парҳезга қатъий риоя қилганлар (30), 2-гуруҳ – парҳезга унчалик риоя қилмайдиганлар (16), 3-гуруҳ – парҳезга умуман риоя қилмайдиган болалар (10).


Морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни касалликнинг шакли ва кечишига мувофиқ кўриб чиқилди, уларнинг 40 нафарида (71,4%) касалликнинг типик шакли, 16 нафарида (28,6%) – атипик шакли бўлган, шу жумладан 8 (14,2%) болада касаллик рефрактер кечган.

Целиакиянинг типик шаклига чалинган болалар биоптатлари тадқиқ қилинганда 1-гуруҳдаги барча 21 болаларда (100%) ЎБИШҚнинг нормал тузилиши сақланиб қолганлиги аниқланди. Фақатгина проксимал бўлим тукларининг эни ($94,1 \pm 3,7$ мкм) меъёр даражада сақлангани билан $424,2 \pm 12,5$ мкм гача қисқарганлиги қайд қилинган (меъёр - $486,3 \pm 16,3$ мкм). Шиллиқ қават аксарият боптатларининг (42,8%) тузилиши Marsh бўйича I босқичга мос келади, яъни крипталар чуқурлиги ва туклар баландлиги ўртасидаги нисбатнинг қисқариши ва сезиларли бўлмаган даражада лимфоцитлар билан инфилтрацияланиши. Агар битта тукнинг нормал ўлчами $124,6 \pm 6,3$ мкм ни ташкил қилса, 1-гуруҳда бу кўрсаткич $118,4 \pm 5,2$ мкм гача камайган. Шиллиқ қават бузилишининг II босқичидаги 6 нафар (28,6%) болада крипталарнинг унча катта бўлмаган гиперплазияси ва чуқурлашиши, ворсинкалар узунлигининг калталашиши қайд этилган. Беморларнинг учдан бирида (28,6%) Marsh бўйича IV босқич аниқланган, бу касалликнинг рефрактерли кечишига мос келади. ЎБИШҚ дистал бўлимида ворсинкаларнинг яққол ифодаланган атрофияси аниқланган бўлиб, шиллиқ қаватнинг структуравий ҳолати Marsh бўйича IV босқичга мос келади.

2-гуруҳда (12 нафар, 30%) ўн икки бармоқли ичак дистал бўлимининг эпителиал ва строма-томирли таркибий қисмларида жиддий патологик ўзгаришлар борлиги аниқланди. Тукнинг узунлиги проксимал бўлимга

қараганда икки барабар ($237,3 \pm 9,2$ мкм) калта, қалинлиги эса сақланиб қолган - $96,8 \pm 3,8$ мкм ($P < 0,05$). Тукларнинг битта бўйлама кесимидаги энтероцитлар сони 82,6 донани ташкил қилди, бу меъёрдан 35% га кам ($P < 0,05$); ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қавати $521,4 \pm 13,2$ мкм гача юпқалашган, бу меъёрга нисбатан чорак қисмга камдир ($764,8 \pm 21,5$ мкм) ($P < 0,05$). Эпителийлараро лимфоцитлар (ЭАЛ) миқдори меъёрдан 3 барабар ортиқ бўлган (мос равишда 9,2 ва 3,2 %) ($P < 0,05$). Биоптатларнинг аксариятида (41,7%) Marsh бўйича II босқич аниқланди. Гистологик тадқиқотлар тукларнинг умуман йўқлиги билан бирга крипталарнинг узайганлиги ва буралганлигини кўрсатди. Шил-лиқ қават бузилишининг босқичидаги 4 нафар (33,3%) болада ворсинкалар атрофияси қайд этилган, крипталар гиперплазиясининг Marsh бўйича IV босқичи 2 та (16,7%) болада аниқланган, ЎБИШҚда яққол ифодаланган ворсинкалар атрофияси кузатилган.

3-гурухдаги биоптатларни тадқиқ этиш ўн икки бармоқли ичак деворининг дистал бўлимларида худди 2-гурухдаги каби атрофик ва иммунологик ўзгаришлар аниқланганлигини кўрсатди, бироқ уларнинг жадаллиги нисбатан суст. Мазкур ҳудудларда туклар турлича узунлик ва шаклга эга бўлади, улардан баъзилари деформацияланган (1-расм). Барча болаларда парҳезга риоя қилмаслик оқибатида қопловчи безли эпителийда кескин атрофик, интерстициал тўқимада эса – иммунологик инфилтратлар қайд қилинган. Криптаннинг чуқурлиги меъёрдан 2 баробар ошиқ (мос равишда $285,6 \pm 9,4$ ва $146,2 \pm 8,5$ мкм, $P < 0,001$).



1-расм. Типик шакли. 3-гурух. Ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қавати атрофияси ва деформацияси: Гематоксилин ва эозин билан бўялган. Кат: ок. 10, объект.40

ЎБИШҚнинг қалинлиги қарийб 2 баробар - $462,7 \pm 11,8$ мкм гача камайган, тукларнинг узунлиги меъёрга нисбатан 4 барабар қисқарган - $128,3 \pm 7,3$ ва $486,3 \pm 16,3$ мкм ($P < 0,05$). Ушбу фонда тукларнинг эни сезиларли даражада - $102,5 \pm 5,2$ мкм гача қалинлашган, ТУ/ТЭ коэффициенти эса 5 мартага – 1,2 гача камайган (меъёр 5,3). Тукларнинг қисқариши тукларнинг бўйлама кесимидаги энтероцитлар сонининг сезиларли – меъёрга нисбатан 3 мартага камайиши билан бирга кечди: мос равишда 44,3 ва 124,6 дона ($P < 0,001$).

Глютенни қабул қилиш фонида крипталар чуқурлигининг, хужайра популяцияси ҳажмининг, митотик фаоллигининг ортиши, пролифератив

зоналарнинг кенгайиши, хужайра цикли вақтининг қисқариши ва хужайраларнинг крипта ичкарасидан юзага кўчишининг тезлашиши билан бирга крипталар гиперплазияси ривожланган. Митотик фаолликнинг (ва унинг оқибатида крипталарнинг чуқурлашуви) ортиш механизмлари охиригача аниқланмаган, бироқ уларнинг асосий иммунологик жараён, цитокинлар гиперпродукцияси билан боғлиқлиги шубҳасиздир (Бельмер С. В., Ревна М. О., 2010). Буларнинг барчаси 3-гуруҳдаги ҳолатларни Marsh нинг III ва IV босқичлари бўйича мос равишда 42,8 ва 57,2% тақсимлаш имконини беради ($P < 0,001$).

Целиакиянинг атипик шаклининг 1-гуруҳ болаларида дистрофик, дисрегенераторли ва атрофик ўзгаришлар камроқ ифодаланган, аммо ЎБИШҚ қалинлиги меъёр даражасида қолган. Крипталарда худди типик шаклдаги каби морфологик ва морфометрик ўзгаришлар қайд қилинган. Ушбу гуруҳда аксарият (55,6%) болаларнинг ЎБИШҚ ҳолати I босқичга мос келган. Marsh бўйича II босқич 22,2% болада аниқланган, ЎБИШҚда ворсинкалар атрофияси, крипталар гиперплазияси, ворсинкаларнинг бироз яссиллашуви, эпителийлар аро лимфоцитлар миқдорининг меъёрдагидан 2 баробар ошганлиги ($6,8 \pm 1,2\%$) куза-тилган. 22,2% болаларда касалликнинг рефрактерли кечишига мос келувчи Marsh бўйича III босқич билан белгиланган кескин тотал туклар қалинлашуви аниқланган.


2-гуруҳда ЎБИШҚнинг хусусий қобиғида лимфо-гистиоцитар инфильтрация ошган. Апикал қисмда қопловчи эпителийнинг атрофияси ва десквамацияси қайд қилинган. Қадахсимон хужайраларда ШИК-ижобий модданинг ошган миқдorigа эга бўлган крипталар тубининг сезиларли чуқурлашуви ва кенгайиши қайд қилинган. Лимфогистицитар инфильтрацияланиш, хуссий бириктирувчи тўқима қобиғининг солқиши ва коллагенланиши ҳисобига туклар сезиларли равишда қалинлашган. 100% болаларда Marsh бўйича III босқич аниқланган.

3-гуруҳда ЎБИШҚ туклари турли шакл ва катталиқда деформацияланган, қалин шиллиқ масса билан қопланган. Қопловчи эпителийда кескин пролифератив фаоллик туфайли ботик ўчоқлар ва сўргичсимон ўсимталар шаклланади (2-расм). ЎБИШҚ атрофик ўзгаришлари кескинроқ бўлиб, шунинг учун барча болаларда (100%) касалликнинг рефрактерли кечиши билан характерланадиган Marsh нинг IV босқичи аниқланган ($P < 0,001$).

Крипталар тубининг сезиларли чуқурлашуви ва кенгайиши аниқланган. Уларнинг энтероцитлари шишган ва салқиган. Крипта тирқишларининг кескин торайиши ва улар таркибидаги модданинг эвакуацияланиши билан кечган эпителий гидратацияси ичак эпителиysi метаболизмининг тартибга солинишини бузган, унинг оқибатларидан бири аллақачон мавжуд бўлган бузилишларни кучайтирадиган микроциркуляция бузилишидир (Gonzalez S, et al., 2010).

Шундай қилиб, целиакиянинг атипик шаклида ЎБИШҚни морфологик ва морфометрик тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, типик шаклидан

фарқли ўлароқ, ворсинкалар ва крипталарнинг эпителиал компонентиди дистрофик, дисрегенератор ва атрофик ўзгаришлар камроқ ифодаланган.



**2-расм. Атипик шакли.
3-гурух. Тукларнинг
деформацияси ва атрофияси,
юзада шиллик массанинг
бўлиши. Гематоксилин ва
эозин билан бўялган. Кат: ок.
10, объект. 40**

Целиакиянинг атипик шакли учун хос бўлган гиперрегенератор атрофия энтероцитларнинг метаболик фаоллигини салмоқли даражада сўндиради. ЎБИШҚ сирти доимо қалин шиллик қатлами билан қопланган, бу озиқ махсулотлари сўрилишининг бузилишида ва касалликнинг ривожланишида патоген омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Целиакиянинг рефрактер кечиши кузатилган 8 беморда биопсия материални морфометрик текшириш натижалари ўн икки бармоқли ичак шиллик каватида ворсинкаларнинг батамом яссиланганлигини ва атрофияга учраганлигини кўрсатди. Шиллик пардадаги яллиғланиш ўзгаришлари 2 йилдан зиёд глютенсиз парҳезга қатъий риоя қилган 100% болаларда сақланиб қолди. ЎБИШҚнинг умумий қалинлиги меъёрдагига қараганда деярли 2 баробарга, ворсинкалар узунлиги 3,8 баробарга камайди, уларнинг эни 1,1 баробарга ортди. Ворсинкалар узунлигининг 200 мкм дан кичрайиши целиакиянинг диагностик мезони бўлиб ҳисобланади. Болаларда целиакияни ташхислаш ва даволаш баённомаси маълумотларига (2004) кўра у бизнинг вазиятда 128,3 мкм гача қисқарган ($P < 0,001$). 100% ҳолатларда ЎБИШҚнинг батамом атрофияси, эпителийнинг яссиланиши, базофилияси ва лимфоидли инфильтрацияси, эпителиал қоплам бўйлаб қадаҳсимон хужайраларнинг нотекис таксимланиши, шиллик қаватнинг хусусий пластинкасининг плазматик хужайралар, лимфоцитлар ва макрофаглар томонидан инфильтрацияланиши аниқланган. Ушбу ўзгаришлар гистологик манзарани Marsh бўйича III ва IV босқич сифатида баҳолаш имконини берди. Рефрактер бўлмаган ва рефрактер кечишлардаги морфологик бузилишлар ўзаро шуниси билан фарқланадиги, рефрактер бўлмаган гуруҳда ворсинкалар, анча қисқарган бўлсада, ҳали сақланиб қолган бўлсада, айни вақтда рефрактер гуруҳида ворсинкалар умуман қолмаган.

Диссертациянинг «Ўзбек популяциясидаги болаларда целиакиянинг иммуногенетик жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида целиакия билан оғриган болаларда HLA-DRB1*07 ва *13 аллелларнинг учраши назорат гуруҳидагига қараганда анчагина юқори бўлганлиги келтирилган (1-жадвал). Беморларда HLA-DRB1*15 варианты назорат гуруҳига қараганда

ишончли даражада кўпроқ учради, бу ушбу аллелларнинг целиакия ривожланиш патогенезида протектив иштирок этиши мумкинлигидан далолат беради. Генотипида DR7 варианты бўлган шахсларда целиакия ривожланиш хавфи 60% беморларда аниқланган. Ишончликнинг юқори мезони DRB1*07 ва DRB1*13 аллеллари учун аниқланган. Шу тариқа, ўзбек популяцияси болаларида целиакияга мойиллик HLA - DRB1*13 билан ассоциацияланади.

1-жадвал

Ўзбек популяциясида целиакияли болаларда II класс HLA ўзига хосликларининг учраши

Аллель DRB1*	Беморлар, n=54							Назорат, n=109	
	n	χ^2	P	Pc	EF	PF	RR	n	GF
DRB1*07	11	3,88	0,03	0,04	0,12		2,17	24	0,11
DRB1*12	2	1,53	0,19	0,21	0,02		2,98	3	0,01
DRB1*13	14	6,52	0,01	0,01	0,17		2,53	29	0,13
DRB1*15	3	3,85	0,02	0,05		1,94	0,31	38	0,17
HLA DQA1									
*0101	11	2,97	0,03	0,08		0,79	0,54	34	0,17
*0102	11	4,01	0,02	0,04		0,94	0,49	34	0,19
*0501	36	7,28		0,01	0,17		2,03	39	0,19
HLA DQB1									
*0201	36	6,74		0,01	0,16		1,97	41	0,20
*0303	1	3,95	0,03	0,04		4,99	0,16	12	0,05
*0503	4	1,86	0,12	0,17	0,02		2,75	3	0,01

Изоҳ: n – берилган танланмадаги аллеллар сони; χ^2 – хаққонийлик мезони, P – Фишернинг аниқ мезони бўйича аҳамиятга моликлик кўрсаткичи, Pc – Пирсон бўйича ишончлилик кўрсаткичи; EF – этиологик фракция; PF – превентив фракция, RR – нисбий хатар.

DQA1 локусининг DQA1*0102 аллели целиакия билан манфий ассоциацияланади ва шу сабабли уларни целиакия протектори сифатида қараш мумкин. Хавфга оид максимал қиймат DQA1 *0501 аллели учун қайд қилинган, яъни у целиакия билан ижобий ассоциацияланади ($\chi^2=7,28$, RR=2,03). Биз шунингдек DQA1*0501 аллеллари целиакияга чалинган 66% беморларда экспрессияланишини аниқладик. Америкаликларда ушбу кўрсаткич касалларнинг 97, русларда – 90, этник қозоқларда – 26,4 %ни ташкил этди (АҚШ экспертлар гуруҳи хулосаси, 2004; Исабекова Т. К., 2008; Вохмянина Н.В., 2010).

DQB1*0201 ($\chi^2=6,74$, RR=1,97) бўлган касал болаларда ишончлилик мезони ва нисбий хавф, яъни у целиакия билан ижобий ассоциация қилинади ва целиакияга мойиллик маркери сифатида қаралиши мумкин. DQB1*0303 аллели бўлганда превентив фракциядаги нисбий хавфнинг қуйи қийматлари

(RR=0,16; $\chi^2=3,95$; PF=4,95) мазкур аллелнинг протектив таъсиридан далолат берши мумкин.

Касаллик ривожланишининг юқори хавфи турли хил равишда бириккан аллеллар эга бўлган ташувчиларга хос бўлган: DQA1 *0201, *0501 ва DQB1 *0201. DQA1 *0501 ва DQB1 *0201 патологик аллелларнинг бирикмалари DQ2 молекуласи билан; DQA1 *0301, DQB1 *0302 эса - DQ8 молекуласи билан ассоциацияланган.

Бошқа популяциялардаги каби бизнинг беморларимизда DQ2 (88%) гетеродимерлари соғлом болаларга нисбатан ишончли тарзда кўпроқ учраган, бунда ҳар иккинчи ҳолатда улар транс ҳолатидаги генлар билан кодланган. DQ8 9% ҳолатларда аниқланиб, бу Европаликларга қараганда 4 мартага кўп, ва демак, унинг мавжудлиги целиакияга нисбатан ирсий мойилликнинг юқори хавфини кўрсатади. Шу тариқа, ўзбек популяцияси шахсларида целиакиянинг HLA DQA1 *0501, HLA DQB1 *0201, HLA-DRB1 *07 ва *13 генлари билан ижобий ассоциацияланиши аниқланган.

Касалликнинг типик шаклида болаларда II синф HLA генлари аллелларининг ташувчанлигини ўрганиш натижасида DRB1*07 ва *13, DQA1*0501 ва DQB1*0201 аллелларнинг учраши назоратдагига қараганда юқори эканлиги (2 -жадвал) аниқландики, бу эълон қилинган маълумотларга мос келиб, аллелларнинг целиакия билан ижобий ассоциацияланишини кўрсатади [Лошкова Е. В., 2009]. Аллель DQA1*0102 ва DQB1*0502 ишончиликланинг юқори мезони ва превентив фракциянинг юқори кўрсаткичи билан қайд қилинган ($\chi^2=5,95$; PF=1,69) и ($\chi^2=3,97$; PF=2,83), бу мазкур аллелнинг протектив таъсири эҳтимолидан далолат беради. Атипик шаклида DRB1*12 аллелининг учраши соғлом болаларга қараганда юқори бўлган. DRB1*16 гени аллеллар гуруҳи полиморфизмининг таҳлилида целиакия рефрактерли кечадиган болаларда назорат кўрсаткичларига қараганда анчагина юқори бўлган. Касалликнинг рефрактерли кечиши ривожланишининг юқори хавфи DRB1*16 ва DQA1*0501 аллелга эга бўлган болаларда аниқланган.

Шу тариқа, бизнинг беморларимизда целиакиянинг HLA DQA1*0501, HLA DQB1*0201, HLA-DRB1*07 ва *13 генлари билан ижобий ассоциацияланиши аниқланган. DRB1*16 ва DQA1*0501 аллелга эга бўлган болаларда касалликнинг рефрактерли кечиши ривожланишининг, DRB1*12 ва HLA DQB1 *0503 аллеллар ташувчиларида – касаллик атипик шаклининг юқори ривожланиш хавфи мавжуд. HLA DRB1*12 аллелининг мавжудлигини биз ўзбек популяциясининг миллий ўзига хослиги деб билиб, у касалликнинг атипик шаклининг ривожланиши патогенезида иштирок этишидан далолат беради деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясидаги целиакияли болалар иммун тизими ҳолати**» деб номланган олтинчи бобида кичик ёшдаги болаларда целиакиянинг типик, ва, айниқса, атипик шаклларида Т-лимфоцитлар мутлоқ сонининг назорат кўрсаткичларидан 1,3 ва 1,6 марта ($1067,9 \pm 76,0$ ва $887,6 \pm 43,9$ мкл) (меъёр – $1393,5 \pm 110,5$ мкл) ($P < 0,05$;

P<0,001); Т-хелперларнинг - 1,4 ва 1,9 марта камайишини аниқладик (560,8±34,6 ва 416,9±30,7мкл) (меъёр – 809,4±70,0 мкл) (P<0,01; P<0,001).

2 –жадвал

Касаллик фенотиби ва унинг кечишига қараб целиакцияли болаларда II синф HLA ўзига хосликларининг учраши

Аллель DRB1	Типик шакли, n=41							Назорат n=109	
	n	χ^2	P	Pc	EF	PF	RR	n	GF
*07	9	4,80	0,01	0,02	0,17		2,78	24	0,11
*13	13	13,16	0,01	0,0002	0,281		4,03	29	0,13
Аллель DQA1									
*0102	6	5,95	0,06	0,014		1,69	0,34	34	0,19
*0501	29	7,60	0,002	0,005	0,195		2,22	39	0,19
Аллель DQB1									
*0201	32	11,18		0,01	0,23		2,53	41	0,20
*0301	8	2,17	0,05	0,14		0,76	0,54	29	0,16
*0303	1	2,64	0,07	0,10		3,55	0,21	12	0,05
*0502	2	3,97	0,02	0,04		2,83	0,24	14	0,09
Аллель DRB1* Атипик шакли, n=13									
*10	1	2,21	0,21	0,13	0,08		4,73	5	0,02
*11	2	0,76	0,22	0,38	0,10		2,02	24	0,11
*12	1	4,12	0,15	0,04	0,09		7,96	3	0,01
Аллель DQA1									
*0101	3	0,45	0,22	0,50	0,09		1,57	34	0,17
*0201	2	0,30	0,27	0,58	0,05		1,54	25	0,14
Аллель DQB1									
*0302	2	0,36	0,26	0,54	0,06		1,61	24	0,11
*0503	1	3,22	0,17	0,07	0,07		6,51	3	0,01
*0601	1	0,89	0,29	0,34	0,05		2,74	7	0,03
Аллель DRB1 Рефрактерли кечиш, n=7									
*15	2	2,96	0,12	0,085	0,39		4,89	38	0,17
*16	1	17,09	0,05	3,65	0,24		36	2	0,01
Аллель DQA1									
*0102	3	0,06	0,25	0,808	0,03		1,17	34	0,19
*0201	2	0,10	0,28	0,749	0,03		1,28	25	0,14
*0501	6	4,22	0,03	0,039	0,28		3,05	39	0,19
Аллель DQ1									
*0301	5	3,33			0,23		2,80	29	0,16
*0302	2	0,14			0,03		1,34	24	0,11

Изох: n – берилган танланмадаги аллеллар сони; χ^2 – ҳаққонийлик мезони, P – Фишернинг аниқ мезони бўйича аҳамиятга моликлик кўрсаткичи, Pc – Пирсон бўйича ишончилилик кўрсаткичи; EF – этиологик фракция; PF – пре-рентив фракция, RR – нисбий хатар.

Демак, иммунитетнинг хужайра бўғинида иммунитет танқислиги шаклланади, у касалликнинг атипик шаклида кўпроқ ифодаланади. Айрим нашрларда (Tribole E., et. all., 2002; Liu H., et al., 2010; George D. A, et al., 2014) заиф Т-хужайрали жавоб билан целиакиянинг тўлқинсимон кечиши, цитокинлар ишлаб чиқаришларининг 2-тип Т-хелперлар билан рағбатлантирилиши ва касалликнинг узок муддатли сурункали кечишининг ўртасидаги боғлиқлик қайд этилган. Бизнинг тадқиқотимизда Т-лимфоцитларнинг камайиши асосан CD4+лимфоцитлар маркерини экспрессияловчи лимфоцитлар миқдорининг камайиши ҳисобига содир бўлган. Типик шаклида цитотоксик лимфоцитлар (CD8+) миқдори ўзгармаган, атипик шаклида эса – бироз камайган. ИРИ нинг пасайиши буни тасдиқлайди, у касалликнинг типик ва атипик шаклларида $1,17 \pm 0,09$ ва $1,01 \pm 0,10$ ни ташкил қилган (назорат кўрсаткичи- $1,52 \pm 0,11$; $P < 0,01$). Касалликнинг типик шаклида Т-киллерлар (CD16+) миқдори сезиларли равишда - $21,58 \pm 0,77$ % гача яъни 1,4 барабар ортган (назорат - $15,1 \pm 0,8$ %; $P < 0,01$). В-лимфоцитлар миқдори целиакия типик шаклига чалинган болаларда бироз кўпайган - $644,7 \pm 18,39$ мкл (назорат - $583,8 \pm 49,7$ мкл) (бу уларнинг иммун жавобида фаол иштирок этишидан далолат беради) ва атипик формада $556,1 \pm 29,3$ ($P < 0,01$) мкл гача камайган, бу, эҳтимол, синтез жараёнларининг секинлашуви билан боғлиқ. Лимфоцитлар фаоллаштирувчи маркерининг (CD25+) экспрессиясини таҳлил қилиш Т- ва В-лимфоцитларда пасайиш тенденциясини кўрсатади, бу, афтидан, Т-киллерларнинг (CD16+) фаоллашувини кўрсатади. Апоптоз маркерларини ташувчи CD95+ хужайралар миқдори целиакиянинг ҳар иккала шаклида камайган. Периферик қон зардобида ЎНО- α миқдори касалликнинг типик кечишида назорат кўрсаткичидан ошган, атипик кечишида эса - пасайган. Бунда иккила гуруҳ болалари ўртасида ЎНО- α миқдорида фарқлар кузатилган, бу иммунологик жараёнлар ривожланишининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Қон зардобидаги ИЛ-4 даражаси целиакиянинг типик ва атипик шаклларида назорат кўрсаткичидан 5,3 ва 5,6 мартага (назорат - $7,7 \pm 5,86$ нг/мл), мос равишда ($P < 0,05$); секретор IgA миқдори - 2,3 мартага, зардоб IgA миқдори - 1,3 ва 1,5 мартага (назорат - 380 ± 12 ва $90,1 \pm 6,6$ мг/мл) ортган. Демак, целиакияга чалинган болаларда иммун тизимининг гуморал бўғини унинг хужайрали бўғини депрессияси фонида фаоллашади.

Мактабгача ёшдаги болаларда касалликнинг рефрактерли кечиши ва айниқса, унинг атипик шаклида жиддийроқ ўзгаришларни аниқладик. В-лимфоцитларнинг гиперфаоллашиши фонида Т-хужайрали иммун танқислиги қайд қилинган ($701,2 \pm 45,7$ ва $764,6 \pm 49,8$ мкл; назорат - $442,6 \pm 66,4$ мкл; $P < 0,001$). Зардобдаги ва айниқса секретор IgA нинг миқдори кўпайди. Т-лимфоцитларнинг субпопуляцион таркиби ҳам ўзгарди: Т-хелперлар миқдори $28,5 \pm 1,1$ % га камайди, цитотоксик лимфоцитлар $30,5 \pm 2,2$ % га, киллерлар $23,8 \pm 1,65$ % га ошди; $P < 0,05$, $< 0,01$ ва $< 0,001$, айниқса касалликнинг типик шаклида. Апоптоз CD25+ маркерининг миқдори цитокинлар миқдорининг юқори даражаси фонида касалликнинг барча

шаклларида, ИЛ-4 нинг юқори даражаси, айниқса касалликнинг рефрактерли кечишида ($38,6 \pm 0,7$; $50,0 \pm 4,3$ и $52,2 \pm 6,4$ ва $52,2$ нг/мл, $P < 0,01$, $< 0,001$) кўпаяди. Иммун тизимининг яллиғланишига нисбатан реакцияси шундай эди, бу сурункали ичак касалликларида Т-хужайраларнинг апоптоз ривожланишига бўлган рағбатланишида намоён бўлган. Целиакияда периферик қонда ИЛ-4 миқдорининг юқори бўлиши унинг продуцент хужайраларнинг пролиферацияси билан назорат қилинмайдиган патоген агентлар билан рағбатлантириладиган синтезининг кучайиши, мос келувчи ингибиторлар самарадорлигининг етарли бўлмаслиги, рецепторлар зичли-гининг пастлиги туфайли бўлиши мумкин, бу нашр қилинган маълумотларга зид келмайди (Царегородцева Т.М., 2003; Голованова Е. В., 2004).

